

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЖАНОВА ГУЛБАХАР ЮСУПОВНА

**МИЛЛИЙ АУДИТОРИЯЛАРДА РУС ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (филология фанлари буйича)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Атажанова Гулбахар Юсуповна

Миллий аудиторияларда рус тилини ўргатишда инновацион технологияларни
қўллаш ва уни такомиллаштириш 3

Атажанова Гулбахар Юсуповна

Использование и совершенствование инновационных технологий в
преподавании русского языка в национальной аудитории..... 23

Atazhanova Gulbakhar Yusupovna

The use and improvemend of innovative technolojies in teaching Russian in
national audiences42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЖАНОВА ГУЛБАХАР ЮСУПОВНА

**МИЛЛИЙ АУДИТОРИЯЛАРДА РУС ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (филология фанлари бўйича)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида B2019.4.PhD/Ped1182 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Карлыбаева Гулмира Ермекбаевна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори

Тилегенов Аскарбай Толсғеинович
педагогика фанлари номзоди, катта илмий
ходим


Етакчи муассаса:


Урганч давлат университети


Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «9» ноябр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Академик Ч.Абдиров кучаси 1 уй. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: karsu_info@edu.uz.)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Академик Ч.Абдиров кучаси 1 уй. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78

Диссертация автореферати 2020 йил 9 ноябр куни тарқатилди.
(2020 йил «9» ноябр да 1 рақамли реестр баённомаси).


Ш.Н.Абдиназимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор


З.К.Оразимбетова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент


Т.Т.Утбаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, педагог.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон педагогикасида ва таълим жараёнида миллий аудиторияда рус тилини ўргатишда инновацион технологияларни қўллаш, унинг психологик-педагогик, методик ва дидактик муаммоларини белгилаш, таълим жараёнига компетентли ёндашув ва таълимни ахборотлаштиришнинг рус тилини ўргатишдаги касбий-педагогик йўналганлигини амалда қўллаш кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли олий таълим тизимида янгича ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб бориш соҳа таракқиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунёда кредит-модул тизимини жорий этишда инновацион технологияларидан фойдаланишнинг мақбул механизмларини ишлаб чиқиш, тил назариясининг бошланғич қодалари, ўқитишни ташкиллаштиришга нисбатан коммуникатив фаолият, тизимли-функционал ва умуммаданий ёндашувларни ҳисобга олишни ҳамда бадий адабиётга нисбатан илмий ғоя, инсоннинг ўзини-ўзи англаб етишнинг ғоят муҳим воситаси ҳисобланган таълим муаммосига қаратилгандир. Бинобарин, рус тилини ўқитишдаги узвийлик ва узлуксизлик муаммосини жаҳон педагогикасининг энг сўнгги замонавий методларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Республикамызда ёшларни рус тилини ўрганишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ҳар жиҳатдан билимли ва мустақил фикрлайдиган қилиб тарбиялаш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳатлар натижасида таълим стандартлари такомиллаштирилиб, соҳага оид замонавий таълим технологиялари жорий этилмоқда. «Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш»¹ ҳамда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самародорлигини ошириш»² каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса, миллий аудиторияда рус тилини ўргатишда инновацион технологияларнинг мазмун-моҳиятини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш ва моделлаштириш, баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади ва таълим-тарбия сифатини янги босқичга олиб чиқиш имкониятини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Исқон Ибрат номидаги мактаб-интернатига таърифидаги нутқи. Электрон ресурс: <http://www.uza.uz/oz/.../prezidentimiz-is-okhon-t-ra-ibrat-mazhim> Мурожаат санаси: 26.11.2018 й.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг камровли ислохатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон, 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3907-сон Қарорлари, Вазирлар Мақкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 610-сон қарори, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4623-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага таалуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг урганилганлик даражаси. Республика миқёсида олий таълим муассасаларида инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим сифатини ошириш муаммоларига оид илмий ишларда, хусусан, А.Абдуқодиров, Л.Голиш, Р.Джўраев, Р.Ишмухамедовлар томонидан замонавий технологияларга кенг турда таъриф берилган, Ж.Жалолов, Н.Муслимов, М.Усмонбоева ва бошқалар томонидан педагогик технологиялар бўйича эгалланган билимларни амалиётда қўллаш масалалари кўриб чиқилган, Н.Азизходжаева, Н.Сайдахмедов, А.Ходжаниязова ва бошқаларнинг ишларида педагогик маҳоратни намоён этиш усуллари батафсил тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан К.Ангеловски, В.Беспалько, Т.Васильева, В.Монахов, З.Сластенин, В.Шадриков каби олимлар томонидан ўқитишнинг замонавий усуллари бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижлик олимлардан Дж. Дьюи, Х. Кейрнс, Сосюр де Ф, Н.Д.Браун, Gardner, R.C and Lambert, Domyei Zolton каби олимлар томонидан илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш масалалари ўрганилган.

Бироқ миллий аудиторияда рус тилини ўргатишда инновацион технологияларни қўллаш ва уни такомиллаштириш мазмуни, тузилмаси, компонентлари, мезонлари, кўрсаткичлари, педогогик жараён модели ва дидактик асослари махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, миллий аудиторияда рус

тилини ўргатишда инновацион технологияларни қўллаш ва уни такомиллаштириш юзасидан илмий-тадқиқот олиб боришни такозо этди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЕФ1-104 рақамли «Талабаларнинг этник хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда ўқитишга нисбатан педагогик-психологик ёндашув» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий аудиторияда рус тилини ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш ва уни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

рус тилини ўргатишда инновацион технологияларини такомиллаштириш орқали бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентликни ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш;

инновацион таълим муҳити шароитида миллий аудиторияда рус тилини ўргатиш технологияси мазмунини ёритиб бериш;

рус тилини ўргатишда талабаларнинг адабий-нутқий компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш;

миллий аудиторияларда рус тилини ўқитишнинг ўқув-методик таъминотини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида миллий аудиторияда рус тилини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қорақалпоқ давлат университети, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали, Жиззах давлат педагогика институтларининг 680 нафар респондент-талабалар жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети рус тили ўқитувчисининг методик компетентлигини ривожлантириш мазмуни, метод, восита ва шаклларида иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келувчи кузатиш, сўровнома, тест синовлари, педагогик-психологик методикалар, қиёслаш, математик-статистик таҳлил ҳамда тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

миллий аудитория талабаларининг ўқитувчи касбий фаолияти самарадорлиги ва мақбулликни таъминлашнинг педагогик-психологик хусусиятлари (когнитив, креатив) продуктив фаолиятни ташкил этишнинг интегративлик тамойилини касбий компетенциялар тизимига индуктив жорий этиш асосида аниқлаштирилган;

миллий аудитория талабаларининг бўлажак касбий фаолиятини самарадорлигини (ёрқин ифодаланган редуция, ривожланган флективлик, мураккаб орфография, катъий орфографик ва пунктуацион меъёрларга

мувофиқ келмайдиган тил ходисалари) таъминловчи касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш тамойиллари асосида такомиллаштирилган;

миллий аудиториялардаги рус тили ўқитувчисининг методик компетентлиги (ахборот, коммуникатив, касбий) ривожлантириш омилларини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

миллий аудиторияларда ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантиришга йўналтирилган интерфаол методлар (WebQuest, интеллект-карта, турист ва гид) ўқув жараёнидаги мотивацион фаолият шакллариинг интеграциялашувига кўра такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

рус тили ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш даражалари (репродуктив, продуктив, ижодий) ва мезон кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

инновацион таълим муҳити шароитида миллий аудиторияда рус тилини ўргатиш (WebQuest, интеллект-карта, турист ва гид) технологиялари таълим амалиётига жорий этилган;

рус тилини ўргатишда талабаларнинг адабий-нутқий компетенцияларини ривожлантириш жараёнининг мазмуни, шакл, метод ва воситалари аниқланган ҳамда унинг амалиётга тадбиқ этишнинг яхлит механизми тавсия этилган;

миллий аудиторияларда рус тилини ўргатишда инновацион технологияларни қўллаш ва уни такомиллаштиришга оид ўқув-методик таъминотини яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар, илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти миллий аудиторияда рус тилини ўргатиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланилганлиги, рус тили ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган билим ва ахборотларни тақдим этиш воситалари ҳамда методларининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти рус тили таълимида интерфаол дастурий воситалардан самарали фойдаланиш мақсадида яратилган электрон ресурслар рус тили ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилиши, рус тилидан электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар, рус тилига оид ахборот-таълим муҳитининг яратилганлиги билан асосланади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан рус тили фани ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланиш учун хизмат қилиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий аудиторияда рус тилини ўргатишда инновацион технологияларни қўллаш ва уни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

миллий аудитория талабаларининг ўқитувчи касбий фаолияти самарадорлиги ва макбуллигини таъминлашнинг педагогик-психологик хусусиятлари продуктив фаолиятни ташкил этишнинг интегративлик тамойилини касбий компетенциялар тизимига индуктив жорий этиш асосида аниқлаштиришга доир таклифлардан педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 89-03-2096-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар таълимда рус тили фани мазмуни касбий компетенциялар тизимига асосланган ҳолда ишлаб чиқишга хизмат қилган;

миллий аудитория талабаларининг бўлажак касбий фаолиятини самарадорлигини таъминловчи касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш тамойиллари асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ПЗ-20170930309 рақамли «Қорақалпоқ фольклори тилининг адабий тил ривожига таъсири масаласи» ва И1-ХТ-0-17222 рақамли «Қорақалпоқ миллий менталитетининг ўқувчи ёшларга сингдиришда халқ педагогикаси имкониятларидан фойдаланиш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 89-03-2096-сон маълумотномаси). Натижада миллий аудиторияда рус тилини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш ва уларни ўқув жараёнига қўлай билиш малакасини ривожлантиришга эришилган;

миллий аудиторияда рус тилини ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш ва уни такомиллаштириш дидактик таъминотини (масофавий таълим контенти, когнитив топшириқлар, ўқув лойиҳалари) такомиллаштириш, талабаларнинг индивидуал таълим траекториясини белгилашга хизмат қилувчи мустақил-ижодий фаолият жараёнларини тадқиқотчиликка доир компетенцияларга мувофиқ тизимлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Ф1-ФА-0-13229 рақамли «Ҳозирги замон қорақалпоқ адабий тилида функционал сўз ясалиш» (2012-2016 йй.) лойиҳаси натижаларини амалиётга тадбиқ этишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 89-03-2096-сон маълумотномаси). Натижада миллий аудитория талабаларининг рус тилини ўзлаштиришида илмий-назарий жиҳатдан асосланган, ўқитиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалар 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 120 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «Миллий аудиторияларда рус тилини ўргатишда инновацион технологияларни қўллаш ва уни такомиллаштиришнинг назарий асослари» деб номланган биринчи бобида миллий аудиторияда рус тилини ўқитишнинг амалиётдаги ҳолати, рус тилини ўргатишда инновацион технологиялар ва уларни қўллашнинг назарий асослари ва рус тили ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини такомиллаштиришга замонавий ёндашув ёритиб берилган.

Тадқиқотда таълим тизимини модернизациялаш ва уни шахс имкониятларига тўлиқ мослаштиришга қўмаклашувчи замонавий таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири таълим олувчиларда ташаббускорлик, мустақиллик сифатларини қарор топтириш ва ривожлантиришдан иборат этиб белгиланган. Шу нуктаи назардан ёндашадиган бўлсак, мутахассислар тизимини модернизациялаш, педагогик фаолият самарадорлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири – таълим жараёнига инновацион технологияларни татбиқ этишдан иборат.

Ҳар қандай давлат миллий таълим тизимининг таълим сифати ва самарадорлигига эришиш бош мақсади бўлиб, бу жараён олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини муттасил ривожлантириш, унинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш, ўқув-услубий таъминоти ва назоратини замонавий педагогик технологиялар асосида модернизация қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини жаҳон, жамият, буюртмачи корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларига мос равишда ташкил этиш, олий таълим муассасалари таълим мазмунини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш тақозо этилади.

Миллий аудиторияда рус тилини ўргатишда инновацион технологияларни қўллаш ва янада такомиллаштириш масаласи долзарб илмий тадқиқот муаммо бўлиб, унинг методологик ва илмий-назарий асосларини ҳар томонлама ўрганиш, қиёсий таҳлил этиш, хулоса ва тавсиялар асосида олға сурилган назарий ғояларни амалиётга татбиқ этиш учун хизмат қилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда туб ислохатлари кўзда тутилган. Бунинг учун, аввало, узлуксиз таълим тизимининг барча шаклдаги таълим муассасаларида таълим жараёни сифатини таъминловчи илғор илмий

методик жиҳатдан асосланган услубларни амалда қўллаш лозим. Фан, техника ва илғор технология ютуқларидан фойдаланган ҳолда ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг мақсад, мазмун, услуб ва воситаларини илмий жиҳатдан таъминлаш педагогика фанининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Инновация – янгилик тушунчасини ифодалаб, таълим жараёнига янгиликларни киритиш ва уни ўзгартириш демакдир. Инновациялар педагогик восита ва жараён сифатида ўқув жараёнига янгиликлар киритишни тақозо қилади.

Инновацион технология – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқаришни ифодалайди.

Миллий аудиториядан рус тилини ўқитишда ташкил этиладиган педагогик инновацион жараёнлар компонентлари бўлган турли шакллардаги машғулотлар, тадбирлар, тарбиявий муносабатлар жараёнлари ҳамда педагогик амалиёт, педагогик тажриба-синов ишлари узлуксиз малака ошириш жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги педагогик тизим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади (1-расмга қаранг).



1-расм. Миллий аудиторияда рус тилини ўқитишдаги педагогик жараёнлар компонентлари

Миллий аудиториядан рус тилини ўқитишда ташкил этиладиган педагогик инновацион жараёнлар компонентлари бўлган турли шакллардаги машғулотлар, тадбирлар, тарбиявий муносабатлар жараёнлари ҳамда педагогик амалиёт, педагогик тажриба-синов ишлари узлуксиз малака

ошириш жараёнларининг ўзаро боғликлиги ва алоқадорлиги педагогик тизим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

«Рус тили» фанини ўқитиш замонавий дидактик концепцияга таянади, яъни бир тарафдан тил назариясининг бошланғич қоидалари, ўқитишни ташкиллаштиришга нисбатан коммуникатив фаолият, тизимли-функционал ва умуммаданий ёндошувларни ҳисобга олишни ва бошқа тарафдан бадиий адабиётга нисбатан илмий ғоя, яъни, дунёни ва инсоннинг ўзини-ўзи англаб етишининг гоят муҳим воситаси ҳисобланган санъат тури сифатида амалга оширилади.

Рус тили фанининг мазмуни тизим сифатида унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари (ёркин ифодаланган редуқция, ривожланган флективлик, мураккаб орфография, қатъий орфографик ва пунктуацион меъёрларга мувофиқ келмайдиган тил ходисалари в.б.), унинг ижтимоий функциялари (коммуникатив, когнитив, эстетик, аккумулятив), шунингдек, полиэтик давлатда дунёнинг универсал картинасини шакллантиришдаги ўрни илмий нуқтаи-назардан таҳлил қилинди.

Бугунги кунда ўқитувчининг педагогик фаолиятига бўлган талаблар билан олий таълим муассасалари битирувчиларининг тайёргарлик даражалари орасида сезиларли зиддиятлар кузатилмоқда. Шу билан бир каторда ўқитувчилар тайёрлашнинг мавжуд тизими билан бўлажак ўқитувчи фаолиятининг касбий-ижодий тавсифи орасида ҳам номуаносибликлар кузатилмоқда. Бунинг натижасида ўқитувчилар билан таълим олувчилар орасида тўсиқлар ва бўшлик вужудга келди, ўқитувчининг таълим жараёнидаги яқка ҳукмронлиги қарор топди.

Сўнги йилларда педагогик тадқиқотларнинг асосий йўналиши сифатида ўқитувчининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш масаласига алоҳида урғу берилмоқда. Жумладан, шахсга йўналтирилган маҳсулдор таълим концепциясини илмий-назарий жиҳатдан асосланган А.В.Хуторской ўз тадқиқотларида шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқитувчининг асосий вазифалари сифатида ташкилотчилик, мулоқатчанлик, ташҳислаш, йўналтириш, фаоллик, маҳсулни баҳолаш, педагогик рефлексия, ижтимоийлашув, педагогик жараёнларни шахс имкониятлари доирасида лойиҳалаштириш қабиларни келтиради.

Педагогик тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида ўрганилган компетентлик (лот. compete – эришяпман, муносибман, лойиҳман), у ёки бу соҳадаги билимлар, тажриба деган маъноларни англатади, ўзбек тилидаги луғавий маъноси «инсон яхши биладиган», «тажрибага эга бўлган» каби маъноларни билдиради. Демак, бирор бир соҳада компетентли инсон шу соҳа ҳақида асосли фикр юритиш ва унда самарали фаолият олиб бориш учун мос билим ва қобилиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотларимизнинг натижалари шуни кўрсатадики, талабаларга педагогик таъсир кўрсатиш жараёнининг мазмуни ўзгаради. Эндиликда замонавий таълим тизимида субъект-субъект мунасабатлари алоҳида

долзарблик касб этмоқда. Педагогик жараёнда ўқитувчи ҳамда талабаларнинг тенг ҳуқуқликларини таъминлаш ва талабалар томонидан ахборотларни тўлақонли ўзлаштиришлари учун қўлай имконият яратиш асосида таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ривожлантириш асосий йўналишлардан бири сифатида баҳоланмоқда.

Биз ўз тадқиқотимиз давомида инновацион технологиялар асосида рус ўқитувчиларининг педагогик маҳоратининг ўзига хослигини ифодаловчи, кўникмаларда намоён бўлувчи, касбий-шахсий рефлексияларини ривожлантирувчи, педагогик ҳамкорлик жараёнининг барча иштирокчилари учун хулқ-атвор моделини белгиловчи педагогик ҳодиса эканлигини асослашга интилдик.

Шунинг билан бир қаторда рус тили ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини такомиллаштиришда уларнинг компетентлиги ва креативлигини шакллантиришга инновацион ёндашиш, замонавий ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш устувор бўлмоқда. Биз олиб борган тадқиқотнинг мақсади ҳам рус тили ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини такомиллаштиришга инновацион ёндашиш мазмуни, шакл ва методларини аниқлаш ва тажриба-синов ишлари орқали уларни амалиётга кенг тадбиқ этишдан иборатдир.

Жумладан, биз тадқиқотлар жараёнида рус ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини такомиллаштиришнинг методологик асослари бўлиб хизмат қиладиган манбаларни қуйидагича туркумлаштиришга муваффақ бўлдик: фалсафанинг билиш тўғрисидаги диалектик қонуниятни, шахс ривожланиши – билиш субъекти эканлиги; Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг устоз-мураббий ҳақидаги фалсафий қарашлари; комил инсон тарбияси, таълим самарадорлигини таъминлаш, рақобатбардош, компетентли ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари; хорижий ва мамлакатимизнинг етук педагог, психолог, методист, филолог олимларининг таълим сифатини таъминлаш ва компетентли ўқитувчи кадрлар тайёрлаш борасидаги халқаро илмий гоялари ва ижобий тажриба шулар жумласидандир.

Биз тадқиқотимиз жараёнида рус тили ўқитувчиларининг педагогик маҳорати индикаторларини аниқлашда қуйидаги гояларга асосландик. Улар: рус тилини ўрганиш ва ўқитиш бўйича олиб борилаётган ислоҳатлари; рус тилини ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитларини; рус тилини ўрганиш грамматикасининг аҳамиятини; рус тилини ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурсларини; тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билиши; мавзуга оид турли коммуникатив топшириқлар воситасида тил кўникмаларини ривожлантириш; рус тилини ўқитишдаги турли ёндашувлар (коммуникатив ёндашув, ҳаракатли ўйинлар орқали ёндашув) асосида тил ўрганилаётган ва ўрганилаётган шароитни оптимал белгилай олиш; рус тилини ўрганиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш; интернет сайтларидан ўз соҳасига оид материалларни танлаб олиш ва таҳлил қила олиш; рус тилидаги соҳага оид ва

оммабоп матнларни таҳлил қилиш; рус тилидаги матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, яъни сужбатдошига ўз фикрини рус тилида баён эташ олиш, диалогик ва монологик нутқ ёрдамида сўзлашиш ҳамда ёзма мулоқатга киришиш; луғатлардан фойдалана олиш; ўзбек ва бошқа (коракалпок, қазоқ, тажик ва бошқалар) тилларда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида рус тилида гапира олиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши керак.

Юқорилардан келиб чиққан ҳолда замонавий ўқитувчининг инновация фаолиятига бўлган зарурият куйидагилар билан белгиланади: ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими методологияси ва ўқув жараёни технологиясининг тубдан янгиланишни талаб қилади. Бундай шароитда ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик янгилликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади; таълимни демократлаштириш доимо ўқитишнинг янги ташкилий шакллари, технологияларини кидиришни тақозо этади; педагогик янгилликни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг муносабати характери ўзгаради.

Олий таълим муассасаларида миллий аудитория талабаларининг рус тилни ўзлаштиришнинг энг самарали усулларини ишлаб чиқиш турли-туман ёндашувларни, ноанъанавий қарашларни ҳамда чуқур илмий изланишларни талаб қилади.

Диссертациянинг «Миллий аудиторияда рус тилини ўргатишда инновацион технологияларни қўллаш ва такомиллаштириш методикаси» деб номланган иккинчи бобида миллий аудиторияда рус тилини ўргатишда замонавий педагогик технологияларни қўлланилиши, «Рус тили амалий курси» фанини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш, рус тилини ўргатиш жараёнида модулли ўқитишни амалга ошириш методикаси баён этилган.

Олий таълим тизимида миллий аудиторияда рус тили фанини ўқитишда ҳам инновацион технология ва интерфаол методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Рус тилини чуқур ўзлаштириш масаласига катта эътибор берилётган бугунги кунда бу технологиялар алоҳида аҳамият касб этади. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилига ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизиде уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқатни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида чет тилини ўқитишнинг замонавий технологиялари, усулларини яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш масалалари бугунги куннинг долзарб масаласига айланган.

Миллий аудиториядаги талабанинг ахборотга бўлган эҳтиёжини, унинг ривожланиш даражаси, талабанинг олинган ахборотларни ўз фаолияти жараёнида фойдалана олишига тайёргарлиги, унга берилаётган ахборотларнинг тўлиқлиги ва қимматлилиги даражасига боғлиқ.


Миллий аудиторияда рус тилини ўқитишни такомиллаштиришда таълимнинг инновацион шаклларида бири ҳисобланган Веб-квест (WebQuest) технологияси муҳим роль ўйнайди. Агар веб-квест технологияси педагогик технология бўлса, унда бу технология ўз табиатига кура ижодий характерда бўлиб, у кидирув, тадқиқот, муаммо, тақдимот кабиларни ўз ичига олади.

Веб-квест технологияси асосида ўтказилган дарслар натижаси миллий аудиторияда рус тилини ўқитишни такомиллаштиришда қуйидагича хулосаларни чиқариш имконини берди: ўрганилаётган материалнинг аутентик муваффақияти таъминланади; талабада эркин ва мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш қўникма ва малакалари шаклланади; талабаларда ўз устида мустақил ишлаш жараёнида ижодкорлик фаолияти, билиш фаоллиги ривожланади; гуруҳ жамоаси, интернет тизими ҳамда ахборот-коммуникация технологияси, оммавий ахборот воситалари ва ўқитувчи ўзаро ҳамкорлик малакалари, коммуникатив компетентлиги ривожланиб боради; фанни ўрганишга мотивация кучаяди, интернет ресурслардан оқилона максалли фойдаланиш қўникма ва малакалари шаклланиб боради; тили ўрганилаётган мамлакат маданияти, анъаналари, кадриятларига нисбатан толерантлик тафаккури шаклланади, дунёқараши кенгаяди; таълимий материалларни киёсий таҳлил қилиш, хулоса чиқариш, тавсиялар ишлаб чиқиш, гоёларни ҳимоя қилиш малакалари шаклланиб, жамоа билан ишлашга ўрганиб боради; рус тилида фикрлаш, гапириш, тушуниш, эшитиш, ёзиш, ижодий ишлаш қобилияти ривожланади; рус тилидаги оммабоп, бадий, махсус методик адабиётларни хатосиз ўқиш, ҳикоя қилиш, интернет манбалари асосида тўлдириш имкониятига эга бўлади; талабаларнинг мустақил ўқиш фаолиятида юқори шахсий изланувчанлик ва ижодкорликни таъминлайди; нутқ фаолиятининг рецептив ва продуктив турлари ривожлантирилади.

Замонавий педагогик технология усулларига, шунингдек, модулли ўргатиш, ўйин технологиялари каби ўргатиш услублари ҳам мансубдир. Ўйин технологияларининг концептуал асосини қуйидагилар ташкил этади: ўйин фаолиятининг психологик механизмлари шахснинг фундаментал эҳтиёткорлиги ҳамда ўзини-ўзи намоён этиши, ўзлигини тасдиқлаш, ўз ўрнини англаш, ўзини назорат қилиш, ўз натижаларини кўрсата олиш сингари жиҳатларига таянган ҳолда амалга оширилади. Атаб кўрсатилган методика турлари ривожланаётган ўргатиш услублари талабларига жавоб беради, креатив фикрлашни шаклланишига ёрдам кўрсатади, талабаларнинг индивидуал фаоллигини оширишга хизмат қилади. Улар орасида модулли ўргатиш услуби анча самарали бўлиб, унинг элементларини миллий аудиторияда рус тилини ўқитишнинг турли босқичларида қўллаш мумкин.

Инглиз психологи Тони Бюзни ишлаб чиқан интеллект-карта революцион методика бўлиб у бутун бизнес ва таълимга кириб келди. У инсоннинг бутун ақлий қобилияти – нутқ, образлар, сонлар, мантик, ритм, ранг, фазовий қабул қилишни ўз ичига олади. Исталган мақсадга уни қўллаш мумкин: у аниқ, равшан, креатив, оригинал фикрлашга ёрдам беради. Шунингдек муаммони ечишга ва ишончли қарор қабул қилишга ёрдам беради.

Интеллект-карта – бу радиант тафаккурнинг графикда ифодаланиши ва шунинг учун у инсон миясининг табиий маҳсулоти ҳисобланади. Бу график методи миядаги яширинган потенциални юзага чиқаришнинг универсал калитидир. Бу методдан ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида қўллаш мумкин (2-расмга қаранг).



2-расм. Интеллект карталар

Интеллект-карта методининг анъанавий технологияга нисбатан анча қулайликларга эга: интеллект-карта методи орқали ўқитишда мавзунинг ўрганиш учун кетган вақт 90% га камайди, конспект олишдан воз кечишга имкон беради; муҳим масалаларни ечишга эътиборни юқори бўлишига ундайди; калит сўзлар жуда сезиларли ва енгил қабул қилинади; мия бир рангли ахборотдан кўра кўп рангли интеллект-картани яхши қабул қилади; интеллект-карта тузиш кўп кашфиётлар яратишга олиб келади.

Таълим соҳасининг ўзгарувчан парадигмаси шароитларида ўқув жараёнига инновацион технологияни апробация қилиш ва жорий этишга катта аҳамият берилмоқда. Блокли-модулли ва интенсификатор ўқитиш технологиялари шулар жумласидандир. Шахсга йўналтирилган контекст асосида амалга оширилувчи блокли-модулли ва инновацион технологиялар миллий аудиторияда рус тили курсига оид кўпгина мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи мавзуларни ўқитишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Тадқиқотларимизнинг тасдиқлашига кўра, модулни ўз мазмуни, ўргатиш услублари, мустикалик даражаси ҳамда талабаларнинг ўқув-англаш фаолияти суръатларига қараб индивидуаллаштирилган ўқув дастури сифатида кўриб чиқиш мумкин. Ҳар бир модуль ўзининг дидактик мақсадига эга. Унга кўра, ўқув материаллари етарли даражада тўлдирилган ва мувофиқлаштирилган бўлиши лозимки, у қуйидагиларни англаштириш мумкин, яъни: модулда ўқув маълумотларининг принципал муҳим мазмуни баён қилинади; ушбу маълумотлар тушунтириб берилади; мазкур

маълумотларни юклаб олиш шароитлари белгилаб берилди (урғатишнинг техник воситалари, конкрет адабий манбалар, маълумотларни кидириш ва уни эгаллаш услублари); назарий топшириқлар ва улар учун тавсиялар келтирилади; амалий топшириқлар кўрсатиб ўтилади; мустақил ҳамда ташқи назорат тизими берилди.

Тадқиқотимизда педагоглар томонидан дарс лойиҳасини туғри ташкил этиш, олиб бориш жараёнлари туғри ташкиллаштирилса ҳар икки томондан, яъни миллий аудиториядаги талаба ва ўқитувчи муносабатлари ҳамкорлиги тулик таъминланса, қутилган натижага албатта, эришилади. Бу мақсадга эришиш учун биринчи навбатда ижодкорлик талаб этилади. Шундай экан, миллий аудитория талабаларини ижодий қобилиятларини таркиб топтириш ва ривожлантириш бугунги куннинг долзарб муаммосидир. Ушбу муаммони ечимларидан бири сифатида инновацион технологиялар таълим самарадорлигини ошириш ва бугунги кун талабига жавоб берадиган, рақобатга киришиш имунитетини ўзида мужассам этган баркамол шахсларни тарбиялаш учун хизмат қилди.

Диссертациянинг «Миллий аудиторияда рус тилини ўргатишда инновацион технологияларни қўллаш ва янада такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг мазмуни ҳамда педагогик тажриба-синов натижаларининг миқдор ва сифат таҳлили ёритиб берилган.

Миллий аудиторияда рус тилини ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш ва янада ривожлантиришнинг амалий жиҳатларини ёритишга хизмат қиладиган таъкидловчи тажриба-синов ишлари давомида респондент-талабалар ўртасида комплекс методика асосида уларда рус тилини эгаллаганлик даражаси ва интерфаол ўқитиш тизимини ривожлантириш имкониятларини аниқлашга ҳаракат қилинди. Шу мақсадда биз кузатиш, анкета, сўровнома, суҳбат, интервью, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини таҳлил этиш, фаолият натижасини баҳолаш, педагогик топшириқлар бериш методларидан фойдаланилди. Тажриба-синов ишлари натижаларини кайд этиш ва умумлаштириш, уларни таҳлил этиш, бу соҳада экспериментаторларга зарур методик кўрсатмалар бериш ва натижаларни ҳолисона баҳолаш учун профессор-ўқитувчилар билан педагогик ҳамкорлик йўлга қўйилди. Олинган натижалар «мустақил эксперт» сифатида жалб этилган профессор-ўқитувчилар томонидан кузатилиб, баҳоланди.

Тадқиқот доирасида амалга оширилган тажриба-синов ишларига жамми 680 нафар респондент-талабалар ва 60 нафар профессор - ўқитувчилар жалб этилди. Қорақалпоқ давлат университети, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали, Жиззах давлат педагогика институти (2014-2019 йиллар).

Тажриба-синов ишларининг самарадорлиги ва натижаларнинг динамик ўсишини аниқ белгилаш мақсадида тажриба ишларга жалб этилган 680 нафар респондентлар эркин танлов асосида икки гуруҳга, яъни тажриба ва назорат


гуруҳларига ажратиб олинди. Бунда тажриба гуруҳларига 340 нафар, назорат гуруҳларига 340 нафар респондентлар бириктирилди.

Тажриба гуруҳларида махсус интерфаол методика асосида иш олиб борилди. Бунда ўқув ва ролли ўйинлар, кейс, лойиҳа, педагогик муаммоли масалалар ва машқлар асосида кичик машғулотлар, суҳбат, маъруза, семинар машғулотлари ташкил этилди. Мазкур машғулотлар ўқув-техник воситалар билан жиҳозланган махсус аудиторияларда олиб борилди. Таъкидловчи, шакллантирувчи ва яқунловчи тажриба синов ишларининг натижалари ва уларнинг динамик ўсиши «мустақил экспертлар» томонидан ўрганилиб, таҳлил этилди.

Назорат гуруҳлари сифатида қайд этилган респондентлар билан олий таълим муассасаларидаги мавжуд анъанавий ўқитиш шароитида амалий фаолият йўлга қўйилди. Мазкур гуруҳларда ҳам тажриба-синов ишлари доирасида махсус дастур бўйича кузатиш ишлари олиб борилди. Респондентларда рус тилини ўзлаштирганлик даражалари муайян мезонлар асосида ўрганилиб, таҳлил этилди. Тажриба ва назорат гуруҳларидан олинган натижалар ўрганилиб, умумлаштирилди ва киёсий таҳлил қилинди. Аниқланган натижалар асосида яқуний хулосалар чиқарилди.

Педагогик тадқиқотларнинг самарадорлигини ва тажриба синов ишларининг кўрсаткичларини ҳаққонийлигини исботлаш мақсадида статистик гипотеза илгари сурилиб ушбу статистик гипотезани бирор критерия орқали тўғрилиги текширилади. Шу мақсадда бизнинг татқиқотимизда H_0 гипотеза сифатида талабаларнинг ҳар бир босқичдаги олинган натижалари баҳолаш турлари бўйича қутилаётган эхтимоллар тенг деб, альтернатив H_1 гипотеза сифатида баҳолаш турлари бўйича қутилаётган эхтимолларнинг фарқи мавжуд деб олинди. Ушбу статистик гипотезани текшириш учун χ^2 (Пирсон) мезонидан фойдаланди.

Ҳисобларнинг таълим муассасаларидаги ўртача қиймати диаграммаси ва самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги кўринишни ҳосил қилади (3- ва 4-расмларга қаранг):



3-расм. Таълим муассасаларидаги ўртача қиймати диаграммаси



4-расм. Таълим муассасаларининг самарадорлик кўрсаткичлари

Ушбу ҳисоб китоб натижаларига кўра олиб борилган татқиқот ишлари самарадорлиги ўртача 14 % га юқори эканлиги статистик усуллар ёрдамида

исботланди ва олиб борилган татқиқот иши натижалари самарали эканлиги далилланди.

Олиб борилган тажриба-синов ишлари натижаларига кўра аниқландики, миллий аудитория талабаларининг рус тилини ўзлаштиришга йўналтирилган машқ ва топшириқлари ёрдамида рус тили бўйича билим, кўникма ва малакалари даражаси ошганлигини намоён этиб, илмий-назарий жиҳатдан асосланган ғоянинг самарадорлиги далилланди.

ХУЛОСА

Миллий аудиторияларда рус тилини ўргатишда инновацион технологияларни қўллаш ва янада такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тадқиқот муаммосини таҳлил этиш асосида умуммикёсда чет тилларга ва қисман рус тилига ҳам чет тили сифатида ўргатиш муаммолари кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан лингводидактик концепция услублар тизими сифатида ўзбек жамоатчилиги ривожланишининг замонавий босқичида тилни ўзлаштиришнинг назарий асослари ва аҳамияти аниқлаб берилган.

2. Тадқиқотда ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш орқали талабалар томонидан рус тилини ўзлаштириш имкониятлари ёритилган.

3. Инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитиш натижасида миллий аудиторияларда таълим олаётган бўлажак касб эгаларининг касбий компетентлигини шакллантириш тамойиллари (мослашувчанлик, лойиҳалар устида иш олиб бориш, марказлаштириш) ва мезонлари (мотивацион, креативлик, ўқув-билим фаолиятига таъсир қилувчи кўникмаларни ишлаб чиқиш ва ижодий махсулдорлик даражасига ўтиш) модели ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган.

4. Миллий аудиторияларда рус тилини ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш ва янада такомиллаштириш натижасида талабалар томонидан рус тилини ўзлаштириш бўйича эгалланиши лозим бўлган энг зарур билимлар, кўникма ва малакалар ажратиб кўрсатилди. Улар жумласига: креативлик (ижодга йўналтирилганлиги); тизимда билимларни эгаллаш; ўзлаштириш; дарсларнинг ноанъанавий усуллари; турфа хил фикрлаш; қобилиятини ривожлантириш; талабаларнинг шахсий сифатларини шакллантиришга мансубдир.

5. Тадқиқотда роль ижро этиш усули ёрдамида русча нутқ этикети шаклларида фойдаланишни ўзлаштириш талабаларга бўлажак касбий фаолиятида ижобий натижаларга эришишнинг самарадорлигини таъминланди.

6. Миллий аудитория талабаларини ўз мутахассисликлари бўйича илмий, публицистик ва хизмат фаолиятига оид рус тилидаги матнларни танлаб олишга ўргатиш орқали уларни рус тилидаги илмий адабиётлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш ва амалиётда қўллай олиши учун имконият яратилди.

7. Талабаларнинг рус тилига оид мотивациясини ошириш мақсадида рус тилида матн устида ишлаш методикасини амалга ошириш, яъни, ўқиб чиқилаётган матннинг қисқартирилган вариантыни яратишни таклиф этиш, гапларнинг предикатив марказларини бўлаклаш ва предикатив марказларга қараб матнни мутолаа қилиш каби машғулотларни бажарилиши ҳисобидан таълим савиясини оптималлаштирилишига замин яратилди.

8. «Рус тили амалий курси» фанини ўқитишда интерактив методлардан фойдаланиш миллий аудитория талабаларига креативлик қобилиятларини намоён қилишлари, полимаданият, яъни, бошқа маданият вакиллари билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш, когнитив қобилиятларини ривожлантириш ва ижодий салоҳиятини ошишига ёрдам берди.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Миллий аудиторияларда талабаларнинг китобхонлик маданиятини, мустақил фикрлаш қўникма, малакаларини шакллантириш, оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш, муаммоли савол-топшириқлар асосида ижодий иқтидорини ривожлантириш, луғат захирасини бойитишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

2. Рус тилини ўргатиш жараёнида талабаларни изланиш ва танқидий фикрлаш, мавзуга доир ғояларни ҳимоя қилишга ўргатишда дарсларда қўпроқ интерфаол методларга мурожаат қилиш, қўрик-танловлар ўтказиш, фаол талабаларни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

3. Таълим жараёнини технологиялаштириш, рус тилидан ижодий ишларни узвийлик тамойиллари асосида ташкил этиш, таълимий ўйинлар уюштириш ва ўқув лойиҳалари яратиш талабаларнинг рус тилидан билим, қўникма ва малакаларини шакллантириш лозим.

4. Ўқитувчи кадрларни тайёрлаш олий педагогик таълимни такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши бўлиб, бўлажак рус тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АТАЖАНОВА ГУЛБАХАР ЮСУПОВНА

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ
ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ
РУССКОГО ЯЗЫКА В НАЦИОНАЛЬНОЙ АУДИТОРИИ**

13.00.02 - Теория и методика обучения и воспитания (по филологическим наукам)

**АВТОРЕФЕРАТ диссертации доктора философии (PhD)
по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

НУКУС- 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.4.PhD / Ped1182.

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен в веб-странице Научного совета (www.karsu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.zivonet.uz).

Научный руководитель: Карлыбаева Гулмира Ермекбаевна
доктор филологических наук, доцент


Официальные оппоненты: Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич
доктор педагогических наук
Тилегенов Аскарбай Толегонович
кандидат педагогических наук, старший научный сотрудник


Ведущая организация: Ургенчский государственный университет


Защита диссертации состоится 27 ноября 2020 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc. 03/30. 12.2019 Fil. 20.01 по присуждению ученых степеней при Каракалпакском государственном университете. (Адрес: 230112, город Нукус, улица Академика Ч.Абдирова, дом № 1. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: karsu_info@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрирована за № 19). Адрес: 230112, город Нукус, уличк Академика Ч.Абдирова, дом № 1. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78.

Автореферат диссертации разослан «9» ноября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «9» ноября 2020 года.).


Ш.Н. Абдиназимов
Председатель Научного совета по присуждению ученой степени, доктор филол. наук, профессор


З.К. Оразымбетова
Учёный секретарь Научного совета по присуждению ученой степени, доктор филол. наук, доцент


Т.Т. Утебаев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени, доктора педагог. наук.

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой педагогике особое внимание уделяется использованию инновационных технологий обучения русскому языку в национальной аудитории, выявлению его психолого-педагогических, методических и дидактических проблем, грамотному подходу к учебному процессу и развитию профессионально-педагогической направленности в образовательном процессе. Поэтому исследования, основанные на новых подходах в системе высшего образования, являются одним из важных факторов обеспечения развития отрасли.

В мире разрабатываются альтернативные механизмы использования инновационных технологий при внедрении кредитно-модульных систем, начальных правил теории языка, идентичность коммуникативной деятельности при организации обучения с учетом системно-функционального и общекультурного подходов, и научной идеи художественной литературы, акцентирует внимание на проблеме образования, которое является важнейшим средством самосознания человека. Следовательно, существует необходимость исследования проблемы преемственности и непрерывности в обучении русскому языку с использованием новейших современных методов мировой педагогики и информирования об этом мирового научного сообщества.

В результате проводимых в республике реформ по созданию условий для обучения молодежи русскому языку, их воспитания быть образованным и самостоятельно мыслить, усвершенствуются образовательные стандарты и внедряются современные образовательные технологии. Определены задачи по «подготовке современных специалистов знающих несколько иностранных языков в нашей стране, проведение исследований по иностранным языкам, совершенствование методологии преподавания языков»³ и в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены такие важные задачи, как «Повышение качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений путем внедрения международных стандартов оценки качества образования и обучения»⁴. Это показывает, что научно-педагогическое обоснование и моделирование содержания инновационных технологий, определение критериев и показателей оценки в обучении русскому языку в национальных аудиториях играют важную роль и повышают возможность вывода качества образования на новый уровень.

³ Выступление Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева 5 марта 2018 года во время посещения школы-интерната имени Исохона Ибрата Туракурганского района Наманганской области. Электронный ресурс: <http://www.uza.uz/oz/...prezidentimiz-is-okhon-t-ra-ibrat-mazhim>. Дата обращения: 26.11.2018 й.

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года за № УП-4947 // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, №6, ст. 70.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, поставленных Указами Президента УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УФ-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении Концепции развития народного образования в Республике Узбекистан до 2030 года», Постановлениями Президента ПП-3775 от 5 июня 2018 г. «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в проводимых комплексных реформах в стране»; ПП-3907 от 14 августа 2018 года «О мерах по духовному, моральному и физическому воспитанию молодежи, подъему системы ее образования на качественно новый уровень», Постановлением Кабинета Министров от 11 августа 2017 г. № 610 «О мерах по дальнейшему повышению качества обучения иностранным языкам в учебных заведениях», «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы педагогического образования» от 27 февраля 2020 года №ПП-4623, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

